
Байроғим -- фахрим

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан туманимизда ҳам кенг кўламли байрам тадбирлари бўлиб ўтди. 28- болалар мусиқа ва санъат маетабидаги байрам дастури ажойиб тарзда ташкилланди. Тадбирда туман ҳокими, сектор раҳбарлари ва барча ташкилот раҳбарлари, кенг жамоатчилик ходимлари иштирок этди. Тадбир авалида туман ҳокими Дилшоджон Джалилов сўзга чиқиб барчани байрам билан табриклади. Бугунги байрам шодиёнаси шукуҳи туманимиз бўйлаб эрта тонгдан бошланганини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг ватан мадҳияси янгради. Тантанали тадбир давомида мусиқа мактабининг ўқувчилари томонидан байроғимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди. Албатта бу ўз ўрнида барча байрам иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди. ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-11-19 10:53:09